

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 19 январь • сешанба № 3 (999)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz



Ислоҳ **КАРИМОВ:**

... АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта обрўга эга бўлган, Гэллуп институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан “Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси” деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот материаллари билан танишиш айни муддао бўлур эди.

...Бизнинг мамлакатимиз, Ўзбекистонимиз, бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозим.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан)

## Буюк неъмат

# Осуда ҳаёт қадри

**МАҲАЛЛАМИЗДА**  
Акбарали деган йигит яшайди. Одбали эс-хушли йигит. Касби ошпаз. Маҳалланинг тўю маърақаси усиз ўтмайди. Уни яқинда маҳалладаги тўйлардан бирида кўриб қолдим. — Яқинда қай-нотам Россиядан келганди. Сизни сўрапти, — деб қолди. — Орадан 20 йил ўтган бўлса-да, мени унутмади-да Борис Сергеевич, — дедим.

Акбаралининг қайнотаси узоқ йиллар пойтахтдаги Кабель заводи касалхонасида врач бўлиб ишлаган. Билимли, гапга чечан. Аммо ўзига бироз бичо қўйган одам эди. Уша пайт маҳалла фаолларидан бири бўлган. Борис ака 1992 йил Россия хотини ва ўгли Саша билан кўчиб кетди. Қизи Лена Акбарали билан турмуш қурганди. У бормадди. 1992 йил Россияга кетишдан олдин кўргандим. У ўшанда:

— Ўзбекистон мустақил бўлди. Энди сизлар қандай яшайсизлар? Яхши мутахассислар заводлардан ҳам, касалхоналардан ҳам кетяпти. Давлат сифатида чегараларни қандай кўриқлайсизлар? Пахтадан танк, қовун-тарвуздан автомат ясаб бўлмайди-ку, — деганди киноя билан.



## Қонун ва ижро



# Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги демократик ислоҳотлар самараси

**ЖАМИЯТ** ва давлатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадини ифодалайдиган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун муҳим аҳамият касб этди. Қонуннинг асосий мақсади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминловчи муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Қонунда давлат органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлар билан жамоатчиликни, биринчи навбатда, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорлардан аҳоли, жамоат ташкилотларини хабардор қилиш механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси мазкур Қонуннинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Фарғона вилоятидаги давлат органлари тизимидаги ижросини ўрганиш якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Қуйида Парламент аъзоларининг жамият ва давлат бошқарувида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур Қонун ижроси билан боғлиқ амалий ишлар, қилиниши лозим бўлган баъзи масалалар хусусидаги фикрлари билан танишасиз.

## Тадбир

# Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди

**ВАТАНИМИЗНИНГ** кундан-кун чирой очиб, халқаро миқёсда обрў-эътибор юксалиб бораётгани, турли соҳаларда улкан марраларга эришаётгани, халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаётга бўлган қароши ўзгараётгани — барча-барчаси, аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, осмонимиз мусофоллигидандир.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш, жумладан, мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мuddатли ҳарбий хизмат ўташ шароитларини яхшилаш, ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар яратиш, ногирон ҳарбийлар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, хизмат давомида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзоларига меҳр-муруват кўрсатиш бу жараёнда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан Юристар малакасини ошириш марказида навбатдаги “Ҳуқуқий билимлар” ўқув-машғулотини “Ватан ҳимоячилари кунига” бағишланди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги Академияси вакили полковник А.Б.Ахмедов “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари” мавзусида маъруза қилди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш мустақиллигининг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бу ҳолат 1991 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топти. Шунингдек, мазкур ҳужжат республикамизга ўз ҳарбий сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқини бериш билан бир қаторда мамлакатимиз Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда Марказ профессор-ўқитувчилари, малака ошираётган ва қайта тайёргарликдан ўтаётган тинловчилар иштирок этди.

Ўтқир **ЖАЛОЛОВ,**  
Юристар малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи

# Осуда ҳаёт қадри

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Орадан 20 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, унинг бу сўзлари ҳамон қўлғим остида жаранглари. Яқинда Акбаралининг уйига бордим. Биздан 4-5 ховли нарида туради. Лена ховлини сукураётган экан. Мени кўриб: — Келганингиз яхши бўлди. Дадам ўзи тенги кўни-кўшилари, бирга ишлаган кадрдонларини сўраб, ҳол-жонимизга қўймапти. Уртоқларининг 2-3 нафарини суриштирдик. Дунёдан қўлиб кетибди. Борлари ҳам кексайиб қолган. Уйдан чиқолмас экан. Сизни сўраб қолди, — деди.

Борис аканинг ёши ҳам етмишдан ўтиб қолган. Уйга кирсам, Борис ака дивандага газета ўқиб ётибди. Сочлари оппоқ. Ўзи ҳам хийла кексайган. Илгариги шижоатдан асар ҳам қолмаган. Лекин руҳи тетик. — Сени танидим. Сен ўша журналистсан. Ёдингдами, икковимиз кўп баҳслашардик, — деди, кучоғини очиб.

У ўзи билан ишлаган маҳалладаги ҳамкасбларини сўради. Сўнг кўни-кўшилари суриштирди. — Сиз тенги, сиздан ёши каттароқ улфатларингиз айримлари дунёдан ўтиб кетди, — дедим.

— 20 йил бир йигитнинг умри. Қизим Ленага кўнғироқ қилганимда ҳаммангиз сўзлардим. У томонларга кўнғишим бироз қийин бўлди. Нима қилсан ҳаёт шундай экан.

— Ана холанинг соғлиги яхшими? — сўрайман Борис акадан.

— Ана холанг вафот этди. — Ўғлингиз Саша футболни яхши кўрарди, дедим. Чой кўтариб кирган Лена менга бошчага қаради. Хайрон бўлдим.

Борис ака кўзига ёш олди. Саша ҳам... Шаҳарда дискотекага бориб безорилар билан жанжаллашиб қолган. Улар...

Сашани сўраганимга ўзим хижолат бўлдим.

— Дадам уруш бўлаётган давлат ҳудудига яқин жойдаги шаҳарчада яшган, — деди Лена. — Асаблари бироз чатоқ. Салга йиғлайди. Кеча оқшом телевизор кўриб ўтиргандик. Бирдан "қизинг Лола қаерда?" деб сўраб қолди. Бир курсдоши турмушга чиқаётган экан тўйга кетган дедим. Хавотирланиб йиғлаб юборди. — Ахир уни кўчада биров отиб ташласа, нима бўлади? — дейди. Дада биз Тошкентда яшайми. Бизнинг юртимизда ҳаёт бошчага, — дея зўрга юпатдим.

Яхшиямки, шу пайт Акбарали келиб қолди. Сўхбатимиз мавзуси бошча томонга бурилди.

— Ёсингдами, 41-уйда яшайдиган Боря. У меннинг кадрдоним эди, — дея гап бошлаб қолди Борис ака. У ҳам

Тошкентдан кўчиб кетганига пушаймон. Ҳозир у Афинада яшайпти. Бориянинг миллати грек эди. Уғилларининг гапига ишониб, бу ерларга бекор келган эканман. Сўхбатлашай десам биронта таниш-билишим йўқ. Уғлим билан келишим ишга, неварам бошчага кетади. Эрталабдан-кечгача уйда ўтирмаман, — дейди.

— Боря аканинг хотини Зуля хола Тошкентда қазо қилганди, — дедим.

Боря акани маҳаллада ҳамма яхши кўрарди. У киши узоқ йиллар Кабель заводига чилангар бўлиб ишлаганди. Ўзбек тилида яхшигина гапирарди. Дўппи кийиб юрарди. Ёз кунлари кечкурун дарвозасининг ёнидаги курси ёнига ўтириб, кўк чой билан ўтган-кетганини сийлаб ўтирарди. Жуда самимий инсон эди.

Кўчамиздагилар у кишининг сўхбатини яхши кўрарди. Кўни-кўшилари ёз кунлари кечкурун саратон тафти қайт-гунича Боря аканинг уйи ёнида ярим-кечагача шахмат ўйнашарди.

— Кеча кечкурун қайнотамни шаҳарга айлантириб келдим. Қойил қолди. 20 йил ичида Тошкентни қайта қуриб-сизлар, — деди.

— Борис ака пойтахтимиздаги ўзгаришларга тан бердимми? — сўрадим Акбаралидан.

— Бу қайсар чол унча-мунча нарсага тан бермасди. Ўзингиз биласиз-ку. Уйга келгач, ўзбекистонликларга тан бердим, — деди.

— Сизга Тошкент ёқдимми, — сўрайман, Борис акадан.

— Сизларга қойил қолдим. Ҳар кун телевидорда "Ахборот"нинг рус тилидаги сонини кўриб бораёман.

— Ёсингиздами, бундан 20 йил олдин Россияга кетаётганингиздаги гаплар, — сўрайман.

— Журналист ўша гапимни ёдингдан чикармапсан-да. Юрагингда сақлаб юрган экансан-да. Журналистлар ўзи ҳамма жойда... (қулади). Айтдим-ку сенга Ўзбекистонга дунё тан бермоқда, деб. Энди бу гапларни қўй. Яхши менга эски кадрдонларимни топишга ёрдам бер.

— Эртага маҳалла гузариди ош берилади. Кабель заводининг фахрийлари ҳам тақлиф қилинган. Кадрдонларингизнинг кўпини ўша ерда учратасиз.

— Қандай яхши. Юртингиз тинч, одамлар бахтли яшаётганини кўриб хурсанд бўлдим. Ленага айтдим. Биз билан кетмай, Тошкентда қолиб яхши қилган экансан дедим, — дейди мамнулик билан.

— Юртингизга қачон қайтасиз? — сўрайман Борис акадан.

— Энди мен Тошкентда яшайман, — деди у.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**

**"Инсон ва қонун" муҳбири**

**МУСТАҚИЛЛИККА**  
Эриганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга отқазиб, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бинобарин, Бош Қомусимизнинг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади" деб, 65-моддасида эса "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади", дея оиланинг жамият тараққийотидаги ўрни ва аҳамияти ҳусусида алоҳида қайд этилган. Дарҳақиқат, оила жамият таянчи, никоҳ эса унинг пойдевори саналади.

Оилалар мустаҳкам бўлса, унда ҳамжихатлик, тинч-тутовуллик ҳукмрон бўлсагина, жамият тараққий этади. Оила мустаҳкамлиги эса, ўз навбатида, никоҳнинг қонунийлиги, ота-онанинг масъулияти, қолаверса, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбияланишига, айниқса, онанинг саломатлигига боғлиқ. Бунинг учун ҳуқуқимиз томонидан барча ҳуқуқий асослар яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида", 2014 йил 1 августдаги "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги қарорларининг қабул қилиниши ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Чунки баркамол авлодни тарбиялаш нафақат унинг таълим-тарбияси ёки спорт билан шуғулланишига эътибор қаратиш, балки ҳали фарзанд туғилмасидан аввал

**ЮРТИМИЗДА** ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар натижасида амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

2015 йил 3 декабрда Олий Мажлис Сенати Президентимиз тақдимидаги биноан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорини қабул қилди.

Амнистия инсонпарварлик, кечиримлик, баргиреклик каби тушунчаларни ифода этади. Уларда асосан аҳолининг эътиборга, ҳимояга муҳтож қатлами бўлган аёллар, вояга етмаганлар, кекса ёшлилар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниб келинмоқда.

Ушбу атаманинг, яъни "амнистия"нинг маъноси грекчадан таржима қилинганда "amnestia" — эсдан чиқариш, кечириб, гуноҳидан ўттиш маъноларини англатади. Давлатчилигимиз тарихида ҳам амнистияга оид

кўрсатилиб, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, шу жумладан, фермер ҳўжаликларини ўртасида шартномалар тузилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, мунтазам равишда шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, назорат тадбирлари, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан мониторинглар олиб борилмоқда, турли ҳўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий муносабатларига доир муурожаатлари, шу жумладан, "Ҳуқумат портали" ва "Ишонч телефони" орқали келиб тушган муурожаатлари ўрганиб чиқилмоқда.

Олиб борилган назорат тадбирлари, мониторинглар ва муурожаатларни ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар юзасидан охириги икки ярим йил давомида адиля органлари томонидан киритилган таъсир чоралари натижасида, 104 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 4 нафари эгаллаб турган ва-зифасидан озод этилди, 29 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, мансабдор шахсларнинг 40 га яқин ноқонуний қарорлари бекор қилинди, 8,8 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағи ҳўжалик юритувчи субъектларга қайтариб берилди.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, фермер ҳўжаликларини манфаатларига икки ярим йил давомида киритилган даъво аризаларга асосан, судларнинг қарорларига мувофиқ 25,3 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағи ўз эгаларига қайтарилиши белгиланди.


Мисол учун, "Жиззахпахтасаноат" АЖ фаолиятида шартнома мажбуриятларининг ўтказилганда, пахта тозалаш жамиятлари томонидан фермер ҳўжаликларига пахта хомашеси учун пул маблағлари тўлаб берилмаганлиги аниқланиб, ушбу маблағларни ундириш бўйича киритилган даъво аризаларга асосан судларнинг тегишли қарорлари билан 4,3 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари ундирилиши таъминланди.

**Бобур УМУРЗОҚОВ,**  
**Жиззах вилояти адиля бошқармаси бўшлиғи ўринбасари**

✓ 2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# Оила мустаҳкамлиги

она ва бола саломатлигига ҳар жиҳатдан боғлиқ



онанинг, у дунёга келгач эса ҳам она, ҳам боланинг саломатлиги ҳақида қайғуриши, уларга гамхўрлик қилиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Доноларимиз ҳам фарзанд тарбиясини у туғилмасидан илгари бош-

лаш лозимлигини кўп бора таъкидлаганлар. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши соғлом онадан соғлом бола туғилиши, оиланинг мустаҳкамлигида муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шу боис туманимизнинг барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда бўлиминизда туман хотин-қизлар кенгаши, прокуратура, ИИБ, тиббиёт бирлашмаси, кишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бораёмиз. Мазкур тадбирларда тиббий кўриқнинг оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги аҳамияти, оталиқни белгилаш, ёлғиз она аризаси асосида туғилиши қайд этилиши бола ҳуқуқларига салбий таъсири аниқ ҳаётий мисоллар билан тушунтирилди.

Умуман олганда, фаолиятимиз мобайнида нима ишга қўл урмайлик, қарерда, қандай тадбир ўтказмайлик барчаси оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**  
**Чуст туман ФХД**  
**бўлими мудириси**

# Амнистия

инсонпарварлик ва баргиреклик ифодаси

ҳўжатлар қабул қилинганлигини қузатиш мумкин. Бунга мисол сифатида буюқ саркарда бобокалонимиз Амир Темурнинг "биринчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинлар, иккинчи марта гуноҳ қилган шахснинг ҳам гуноҳидан ўтинлар, учинчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳига яраша жазоланглар" деган ўғитларини келтириш мумкин.

Сенатнинг юқоридаги Қарори мазмунига тўхталаганда бўлсак, у 10 банддан иборат бўлиб, уни 3 қисмга ажратиш мумкин: Қарорнинг бир қисми кимларга амнистия қўлланилиши белгиллаб беради, иккинчи бир қисми амнистия таъбиқ этилмай-диган шахслар ва жазолар категориясини мустаҳкамлайди, яна бир қисми қисми ушбу Қарорни самарали ижро этиш устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга бағишланган. Шунингдек, Қарорда уни амалга

ошириш Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилиши ҳамда у эълон қилинган кундан қуьга кириб, 3 ой мобайнида ижро этилиши лозимлиги қайд этилган.

Ушбу Қарор нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, балки миллий қадриятларимизга хос баргиреклик, меҳр-муруват, инсонпарварлик каби фазилатлар моҳиятини ўзида муҷассамлаштирган. Унда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркекларни, чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод этиш назарда тутилган.

Қарорда мазкур амнистия ҳўжжати асосида озод қилинмайдиган, лекин маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддати маълум қисмга қисқартирилиши, шунингдек, мазкур амнистия акти тегишлича таъбиқ этилмай-диган ҳолатлар ҳам белгиланган.

Шу ўринда жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни мазкур амнистия Қарори асосида жазодан озод қилиниши аҳамиятини чуқур англаб олиш зарур.

**Шавкат САТТОРОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича Чирчиқ**  
**шаҳар суди судьяси**

✓ Фаолият

# Шартнома

манфаатлар тенглигини таъминлайди

**ТАДБИРКОРЛИК** субъекти ҳар қандай муносабатта шартнома орқали киришади. Чунки тарафлар ўртасидаги ҳар қандай муносабатларни мустаҳкамлайдиган ҳамда келгуси муносабатлар учун кафолат вазифасини бажарадиган восита бу — шартномадир.

Мустақиллик йиллариданоқ тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни тартибга солишини халқаро ҳуқуқ талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор берилди.

Хусусан, 1996 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 1998 йил 29 августда "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги, 2000 йил 25 майда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Фуқаролик кодексида мустаҳкамланган асосий тамойиллардан бири — шартнома тузиш эркинлигидир. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди.

Кодексда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қанча нормалар белгиланганки, улар тарафлар ўртасида мувозаанат ва ўзаро ҳурматни сақлашга хизмат қилади.

"Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда ҳам тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари, яъни ҳўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш ва тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги белгиланган.



Алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу Қонуннинг 23-моддасига асосан адиля органларига ҳўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида ҳўжалик шартномаларининг бажарилиши жараёнини назорат қилиш вазифалари оқлатилган.

Ана шу вазифаларни амалга оширишда адиля органлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Хусусан, Жиззах вилояти адиля бошқармаси томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузулиши ва бажарилишида зарур ҳуқуқий ёрдам

# Маънавий бойлик

**"ИЖТИМОЙ ФИКР"** жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган тадқиқотлар фуқароларимизнинг муҳим ҳаётий қадриятлари тизимида оила ва фарзанд устувор аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Бугунги кунда юз бераётган глобал ўзгаришларга қарамасдан, Ўзбекистонда оила ёш авлод тарбиясига масъул асосий ижтимоий институт сифатида ўз мақомини сақлаб қолди. Тадқиқот натижалари оиланинг асосий вазифаси баркамол шахсни тарбиялашдан иборат эканини яна бир бор тасдиқламоқда. Сўров иштирокчиларининг 61,4 фоизи шундай фикр билдирди. Уларнинг фикрича, тарбия жараёнида, биринчи навбатда, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларга яхши таълим-тарбия бериш ва спортга қизиқиш уйғотиш муҳим.

Сўровга кўра, турмуш қураётган йигит-қизларнинг ёши баркамол оилани шакллантиришда муҳим омили бўлиб қолмоқда. Иштирокчиларнинг фикрича, йигитлар 25-26 ва қизлар 21-23 ёшида турмуш қуриши энг мақбул ёшдир. Айни пайтда аксарият фуқаролар ёшлар оила қуришгача касб-ҳунар эгаллаши шарт, деган фикрни кўллаб-қувватлайди. Иштирокчиларнинг 94,4 фоизи йигит ва қизларнинг мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши муҳимлигини таъкидлаган. Бу бўлгуси оила ижтимоий фаровонлигининг асосий омилларидан биридир.

Айниқса, жаҳонда "оммавий маданият" кутку солиб, ноанъанавий оилалар вужудга келаётган бир пайтда халқимизга хос миллий анъаналар, маънавиятимиз оила кўрғонини мустаҳкам сақлашда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу боис ҳам турли касб ва мутахассисликлар вакиллари: ФХД органлари, маънавият тарғиботи ва Оила илмий-амалий марказлари, туман хотин-қизлар кўмитаси, Марказий поликлиника ходимлари, имом хатиблар, маҳалла раислари билан ҳамкорликда тарғибот ва таъшиқот ишларини амалга ошириб келмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ўқув муассасаларида, коллежларда, никоҳла-

нувчи шахслар ўртасида, ёш оила қурувчилар мактабиди доимий равишда никоҳдан аввалги тиббий кўриқнинг афзалликларини ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Айнан шу ишлар самараси ўлароқ оталиқни белгилаш, ёлғиз оналар тобора камайиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Туманимизда эрта никоҳдан ўтиш ҳолатларига эса бутунлай чек қўйилди. Албатта, бу ҳали биз кўзлаган марралар эмас.

Инсон маънавияти бўлса, ижтимоий тармоқлардаги турли сайтлар, таҳдидлардан умуман чўчимаса ҳам бўлади, чунки унинг ички дунёси, иродасининг мустаҳкамлиги, иймон-этикоди, виждони ўзига хос қалқон бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам Конституциямизда жамиятнинг асосий бўғини, деб ҳисобланган ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлган оиланинг янада мустаҳкамлигини таъминлаш учун яна бир бор маънавий меросимиз, маданий бойликларимизга муурожаат қилишимиз, уларни ҳозирги замон ахборот-технологиялари орқали тараннум қилишимиз, таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет, театр, кино, адабиёт, musiqa, рассомлик санъатига оила мустаҳкамлигига сафарбар қилишимиз зарур.

**Самира САИД-ҒАЗИЕВА,**  
**Олмазор туман ФХД бўлими**  
**масъул ходими**



Масъулият

Бурчини унутган "ота" бир неча йиллик қарзини бирданига тўлади

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини воёга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар", дея таъкидланган. Бу — фарзанд тарбияси, унинг камолоти учун қайғуриш ота-она зиммасидаги энг асосий бурч эканлиги тасдиқдир. Аммо ҳаётда ҳамма ота-оналар ҳам зиммаларидаги ана шу конституциявий бурчларини тўла англаб етишмайди. Ёки уни адо этишни исташмайди.

Фаолиятимиз мобайнида воёга етмаган фарзанднинг моддий таъминотидан очик-ойдин бўйин товлаётган "ота"ларга кўп дуч келамиз. Яъни, улар алимент тўловини ўз вақтида амалга оширмаганлиги боис ундирувчилар бизга мурожаат қилишга мажбур бўлишди.

Марғилонлик Ф.Бобоева ва Кўштепа туманида яшовчи Д.Бобоевалар ҳам бир неча йиллар муқаддам турмуш қуришган. Турмушлари мобайнида бир нафар фарзанд қуришган. Аммо кейинчалик эр-хотин ўзаро мурося қилолмай, ажрашиб кетишган. Натижада фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг 2003 йил 22 сентябрдаги ижро ҳужжати асосан Ф.Бобоевнинг ўғли Давронбек воёга еттунга қадар ҳар ойлик даромадининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент тўлаши белгиланган. Лекин ота бўлимиш сўнгги йилларга келиб, зиммасидаги масъулиятини "унутиб" қўйган. Оқибатда унинг қарздорлиги 10.495.204 сўмга етган. Шу боис Д.Бобоева ана шу қарздорлиқни ундириб беришни сўраб, суд ижрочиларининг Кўштепа туман бўлимига мурожаат қилди.

Табиийки, мазкур мурожаат батафсил ўрганиб чиқилди. Ф.Бобоева амалдаги қонунлар талаби — алиментни тўлашга мажбур эканлиги, юқоридаги қарздорлиқнинг юзага келиши уни жинорий жавобгарликка тортишга асос бўлишини тушунтирди. Шунда у ўз хатосини тушуниб етди. Алимент пулларини нақд пул тарзида тўлади.

Албатта, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо гап қимнингидир қарздорлиги ёхуд унинг қонуний жавобгарликка тортилганида эмас, балки отанинг фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлашга мажбурлигини нечоғлик англаб етишидадир.

Халқимизда ота бўлиш осон, аммо оталик қилиш қийин, деган пурхикмат ибора бор. Бу эса оталик бурчини адо қилиш нақадар масъулиятли вазифа эканлиги ва ҳамма эркаклар ҳам ҳаётда ўз оталик бурчларини тўла ундай олмаганига ишорадир. Лекин зиммасидаги бурчини бажармасликка ҳеч ким ҳақли эмас.

Бир сўз билан айтганда, ундирув қандай кўринишда ва қанча миқдорда бўлмасин, у тўлик амалга оширилиши шарт. Зеро, суд қарори ижроси билан қучли.

Сарвар ИБРОҲИМОВ, Суд ижрочиларининг Кўштепа туман бўлими бошлиғи

Банк тизими ишончли ва барқарордир

Маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий экспертлар унга юқори баҳо бермоқда

ЎТган йилда мамлакатимиз иқтисодийнинг барча соҳалари билан бир қаторда банк тизимида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Хусусан, молия муассасаларининг умумий капитали ўтган йилга нисбатан 24,8 фоизга ошди. Охириги беш йилда ушбу кўрсаткич 2,4 баробарга ўсди. Бунда асосий омил Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги Қарорининг изчил ижроси саналиб, унга кўра, 2011-2015 йилларда республикамизнинг банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш борасида комплекс чора-тадбирларнинг тасдиқланишидир. Шунингдек, Марказий банк томонидан тизимни самарали бошқаришни амалга ошириш ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Албатта, соҳадаги ижобий ўзгаришлар ютуқлар самарадорлигини оширишни таъминлаш билан бирга халқаро даражадаги нуфуз ўсишига ҳам кўмаклашди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоиз, республика банк тизими фаолияти жаҳоннинг етакчи рейтинг агентликлари томонидан "барқарор", дея баҳоланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий экспертлар ҳамда маҳаллий ишбилармон доира вакилларининг фикр ва мулоҳазалари бунга ёрқин далил бўла олади.

Ванг ЖУНМИНГ, халқаро эксперт (Хитой Халқ Республикаси):

— Хитой Ўзбекистонни олдига қўйган мақсади сари дадил қадам босувчи буюк иқтидорга эга мамлакат деб ҳисоблайди. Шу сабабдан давлатларимиз ўртасида ўрнатилган дипломатик муносабатлар турли соҳаларда изчил ривожланмоқда. Мухим йўналишлардан бири бўлган инвестиция соҳасидаги шерикчилик кўпгина истикболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобида тора кенгаймоқда ва янги даражага кўтарилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, мамлакатимизда қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яратилганлигининг натижасидир.

Таъкидлаш лозимки, банк-молия соҳасидаги ютуқлар, унга кўрсатилган тезкор ва сифатли хизматлар ҳам бир инвесторнинг эътиборини жалб қилади. Мисол учун, 2014 йил якунларига кўра, банкларнинг ресурслар базаси 2013 йилга нисбатан 30,5 фоизга ўсди ҳамда унинг таркибиде узоқ муддатли омонатлар улуши сезиларли даражада ошди. 2009-2014 йиллар давомида иқтисодийнинг реал секторида йўналтирилган кредит маблағларининг йиллик ўртача ўсиши 30 фоизга етди. Хусусан, инвестиция кредитлари бўйича ушбу кўрсаткич 36 фоизни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида — 46 фоизни ташкил қилди. Ушбу маблағлар асосан ички захира ва манбалар ҳисобига шакллантирилган эътиборга моликдир. Менинг фикримча, юқоридагилар Ўзбекистон Республи-

касининг кредит фаолияти жаҳон рейтингларида юқори поғоналарга кўтарилишига ҳамда унинг банк тизими фаолияти нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Жаҳонда ҳалигача глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси банк тизими шундай шароитларда ҳам юқори натижаларга эришяётгани хорижий инвесторларга муваффақиятли фаолият олиб бериш имкониятини беради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 450 та кўшма корхона фаолият олиб бораётгани бунга асос бўлиб хизмат қилади.

Роман РЫБАЛКИН, "Standard and Poor's" халқаро рейтинг агентлиги бош таҳлилчиси:

— Ҳар бир инвестор қайси бир давлат билан алоқани йўлга қўямасин, аввал, ушбу давлатнинг иқтисодий қувватини таҳлил қилади ва биринчи навбатда, банк тизими фаолиятини чуқур ўрганиб чиқади. Ўзбекистон юқори иқтидорга эга давлат, деб ишонч билан айта оламиз. Бу ерда банк тизими барқарор ва самарали фаолият олиб боради. Шу билан барчанинг ишончини оқлайди.

2014 йилда рейтинг агентлигимиз томонидан Ўзбекистондаги етакчи молия муассасаларидан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг фаолияти таҳлил қилинди.

Банк таваккалчилигини бошқариш

масалалари мазкур молия муассасани ривожлантириш стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Таваккалчиликларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш жараёни юқори даражада йўлга қўйилганлиги ҳамда Марказий банк талаблари ва Банк назорати бўйича Базель кўрсаткичи (Базель III) тавсияларига мувофиқ самарали ва ишончли тизим шакллантирилганлиги ушбу фикрга мисол бўлади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан омонат шартларини оптималлаштириш, янги депозитларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган иш-лаб чиқиш бўрилмоқда. Бу эса жорий йилда ҳам банк янада юқори ўсиш суръатларига эришиши учун мустаҳкам асос бўлади. Бу каби ижобий натижаларни бошқа банклар фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳам шохид бўлди: "Ипотека-банк", Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Капитал-банк", "Давр банк", "Ориент финанс банк", "Турон", "Туркистон" ва "Равнақбанк".

Тизимнинг яна бир муҳим кўрсаткичларидан бири банк хизматларининг оммабоплик даражаси ошганлигидадир.

Айтилик, 2014 йилда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси ва 1 минг 28 та банк ҳисобварақат тўғри келган. Ушбу фактларнинг ўзи Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган банк инфратузилмасининг сони бўйича етакчилик қилишига амалий асос бўлади.

Роберт БЛУМ, халқаро эксперт (Швейцария):

— Нуфузли рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизими "барқарор" баҳо берилиши тасодиф эмас. Аввало, бу баҳо мамлакатимиз банклари ўз фаолиятини, хусусан, хорижий инвесторларнинг талаб ва тақлифига мувофиқ олиб бораётганини, уларга максимум қўлайликлар яратишга ҳаракат қилаётганлиги натижасидир. Тизимда йўлга қўйилган қучли, самарали механизм банкларнинг кредит портфелида муаммолар юзага келишини олдиндан бартараф қилишига кўмаклашди.

Унинг устига Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг энг мақбул индиктори ўрнатилган. Бу ҳам ўз ўрнида молия муассасаларининг барқарор ва ишончли фаолиятида катта аҳамиятга эга.

Бернардо Жефри МОРАНТЕ, халқаро эксперт (Филиппинлар):

— Мамлакатимизда тижорат банклари иқтисодий ноҳор, паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш, тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган "Йўл харитаси" дастурини бажаришда фол иштирок этаётгани эътиборга лойиқдир. Масалан, мазкур йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун банк томонидан умумий қиймати 453 миллиард сўми ташкил этган кредит ва инвестициялар ажратилди.

Фаолияти тикланган корхоналарда 1 614 та иш ўрни ташкил этилди ва 80 миллион АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилинди.

Константинос ТСОНТОС, халқаро эксперт (Греция):

— Ўзбекистонда "Валк'Экспр" миллий кўргазмасини ўтказиш аънавага айланди. Унда иқтисодийнинг барча секторларида, хусусан, унинг жон бағишловчи банк-молия тизимида содир бўлаётган позитив (тажрибага, фактларга асосланган) ўзгаришлар намойиш қилинди. Мен ҳам Тошкентда ўтказилган навбатдаги "Валк'Экспр" тадбирида иштирок этиб, Ўзбекистон банклари хорижий банклардан қолишмаслигига амин бўлдим ва жаҳон андазалари талабларига тўлиқ жавоб беради, деган хулосага келдим.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон "Кредит олиш" индикатори бўйича рейтингларни ошириш ва янада юқори ўсиш суръатларига эришиш учун потенциал имкониятларга эга. Республика Мар-

казий банки кредит ахборот билан алмашиш ва қара гаров таъминоти бўйича битимларни амалга ошириш борасида аниқ тахрибга ортирмган. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юристиқ — 2015" янги ҳисоботида мувофиқ Ўзбекистон 7 балл ва "Кредит алмашишуви индекси" кўрсаткичи бўйича 8 балл олгани ушбу фикрларга асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (OECD) аъзо давлатлар баҳосидан ҳам анча юқори.

Мария КУРАЕВА, "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги бош таҳлилчиси:

— Жаҳон молия бозоридеги глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳалигача кўп мамлакатларнинг банк тизимига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Натижада, катта миқдордаги зарарлар, банк томонидан олинадиган фойда сезиларли даражада қисқариши ва уларни капиталлаштириш даражаси ескин пасайишига олиб келади. Ўзбекистон Марказий банкнинг фаолиятида эса биз ижобий аспект сифатида баҳоландиган назорат қилиш функциясининг аҳамияти ошган. Ва бу каби фикрга биз тасодифан келмадик. Рейтинг агентлигимиз мутахассислари томонидан "Асака", "Микрокредитбанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Агробанк", "Ипак йўли" банки, "Ўзбекистон ҚДБ банки", "Трастбанк", "Универсалбанк" фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилиниб, неча йилдирки уларга юқори "барқарор" баҳо берилаётгани бунга асос бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон банклари фаолияти халқаро андазаларга мусолаҳага эришди. Бу, авваламбор, уларнинг иштироки — миксозлар ишончини оқлашда намён бўлади. Пухталик билан йўлб кўриган кредит сифатини юретиш, кредит олиш жараёнини энгиллаштириш, йиллик фойзи ставкаларини оптималлаштириш қўлланган самарани беради.

Тижорат банклар томонидан иқтисодийнинг реал секторида йўналтирилган кредит маблағларининг ҳажми ўтган йилда 31,2 фоизга ошганлиги ва 2015 йил 1 январь ҳолатида 34,8 триллион сўмга етгани фикр қилганда сазовордир. Шундан 79,6 фоиз инвестиция мақсадларига йўналтирилган узоқ муддатли кредитларни ташкил қилди. Рейтинг агентлигимиз томонидан Ўзбекистон банк тизимига берилган "барқарор" баҳо тўла асосли, деб ҳисоблаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Хизматлар лицензияланган.


Реклама ўрнида

КАТТАҚЎРҒОН нафақат Самарқанд вилоятида, балки республикамизда ўз нуфузига эга бўлган кўҳна шаҳарлардан бири ҳисобланади. Бу ғўшада миллий ҳунармандчиликни санъат даражасига кўтарган инсонлар, халқ амалий санъатини эъозлаган қўли гул усталар, олиму фозиллар яшаб ўтган ва яшаб келмоқда.

Кўҳна ва бой тарихга эга бу шаҳардан Буюк Ипак йўли ўтган. Қадимдан бу ғўша кўҳна давлатлар билан юртимизни боғлаб турадиган белбоғ вазифасини ўтаган. Шунинг айтиш лозимки, Каттақўрғон том маънода маданияти, маърифати ривожланган қўлгу диёрдир. Бу масканда Абдулхамид Маждидий номли давлат театри, ўн саккизта умумтаълим мактаби, бешта коллеж ҳамда битта академик лицей ёшларни ватанпарварлик рўҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

— Саксон мингдан зиёд аҳоли истикомат қилаётган шаҳримиз юртимизнинг бошқа ғўшалари қатори истиклол йилларида ўзгача шуқуҳ ва салобат касб этиб бермоқда. Барча жойларда бўлгани каби бу ғўшада ҳам мустақиллик йилларида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди Каттақўрғон шаҳар ҳокими Шухрат Раҳмонов. — Хусусан, ўтган 2015 йилда шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар қилинди. Шаҳарда ки-

Истиклол берган имконият туфайли юртимизнинг барча ҳудудлари чирой очмоқда



чик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ҳудудда 490 та тадбиркорлик субъекти халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунинг айтиш керакки, 2015 йилда шаҳарда 67 та юридик мақомга эга бўлган корхона ташкил қилиниб, уларнинг 14 таси саноатда, 16 таси қишлоқ хўжалиги йўналишида, 3 таси қурилиш, 14 таси савдо, 10 таси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда 10 таси халқ хўжа-

лигининг бошқа соҳаларида иш олиб бермоқда. 343 нафар яқна тартибда фаолият юритувчи тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилди. Айни пайтда улар фаолияти изга тушиб, раво ҳаракати таъминланмоқда. Шаҳримизда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, ўтган 2015 йил давомида 32 та саноат лойиҳаси ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларга жами 10848 миллион сўм инвестиция жалб этилди. Натижада

665 та янги иш ўрни ташкил қилинди. Жумладан, "Каттақўрғон профилъ дизайн" МЧЖ томонидан алюмин профилларини сотиш дилерлик маркази ва эшик-роллар ишлаб чиқариш цехи ташкил қилиниб, 18 та янги иш ўрни яратилди. "Каттақўрғон қандолат сервис" МЧЖ томонидан 50 миллион сўмлик ишлаб чиқариш ускуналари харид қилиниб, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 7 та янги иш ўрни ташкил қилинди. 2016 йилда шаҳарда са-

ноат соҳасида фаолият юритувчи 2 та чет эл сармоёси иштирокидаги корхона ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бунда 2,8 миллион АҚШ доллари миқдориде чет эл инвестициясини жалб қилиш борасида иш олиб берилмоқда. Шунингдек, жорий йилда "Дидер ош тузи" МЧЖ томонидан йодланган ош тузи ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 190 минг АҚШ долларига Хитойдан замонавий ускуналар олиб келинмоқда ва 500 миллион сўм маблағ эвазига бино қуриш режалаштирилмоқда.

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР малакали ўқитувчилар қўлида тарбия топмоқда

Шокир СУЛТОНОВ, Каттақўрғон шаҳар халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири:

— Авваламбор, шунинг айтиш керакки, ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида халқ таълими соҳаси алоҳида ўрин тутаети. Истиклол йилларида шаҳримизда саноат, маданият ва санъат ҳамда илм-фаннинг

ривожиде халқ таълимининг ҳам ўзига хос ўрни бор, десам туболага бўлмайди. Ҳозирда шаҳримиздаги 8 та умумий ўрта таълим мактабиде жами 11908 нафар ўқувчига 668 нафар педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Ўқувчилар иқтидорини ўстириш учун, авваламбор, ўқитувчининг ўзи билимли бўлиши шарт.

Шунинг айтиш керакки, "Йилнинг энг яхши фаол ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши мактаб директори" каби қўриқ-танловларнинг шаҳар босқичини ташкил этганмиз. Ушбу қўриқ-танловларда барча фаол ўқитувчилари иштирок этиб, ўз маҳорат ва билимларини намён қилиб келмоқда. Фойдаланганда бундан уч йил олдин қўриб фойдаланишга топширилган. Бугунги кунда бу бино Каттақўрғон шаҳар давлат архиви, деб номланади. Бугун ана шу бино вилоятимизнинг Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон, Иштихон ҳамда Оқдарё туманлари халқи ва унинг корхона, ташкилотлари учун хизмат қилиб келмоқда.

ХУЖАТЛАР ИШОНЧЛИ ҚЎЛДА

Азизбек ИБРОҲИМОВ, Каттақўрғон шаҳар давлат архиви директори:

— Мустақиллик шарофати туфайли шаҳримизда қурилиш қиймати 1 миллиард 146 миллион сўмлик янги, замонавий типдаги, барча қўлайликларга эга бўлган икки қаватли бино бундан уч йил олдин қўриб фойдаланишга топширилган. Бугунги кунда бу бино Каттақўрғон шаҳар давлат архиви, деб номланади. Бугун ана шу бино вилоятимизнинг Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон, Иштихон ҳамда Оқдарё туманлари халқи ва унинг корхона, ташкилотлари учун хизмат қилиб келмоқда. Давлат архивиде 400 мингдан ортиқ ҳужжатлар сақланади. Шунинг айтиш керакки, ҳар бир киши ўзи учун керакли ҳужжатлар ишончли сақланаётганлиги уларга хотиржамлик бағишлайди.

Азим КОДИРОВ, "Инсон ва қонун" мухбири